

Яратган Холиққа ибодат қилиш



21:00 / 11.06.2019 2274

«Ислом ва соф табиат тақозоси» номли фаслда ёзилишича, «Агар аслий ва жузъий таълимотларга тўғри назар соладиган бўлсак, уларнинг соф фитрат, соғлом ақл ва мантиққа мувофиқ келишини кўрамиз. Хусусан, яратган Холиқни таниш, Унга ва Унинг ягоналигига иймон келтиришда яққол кўринади».

Биз яратган Холиққа, Унинг ягоналигига иймон келтиришни даъво қилиш билан бирга, буни қисқача йўл билан исбот ҳам қиламиз.

Яратган Холиққа ибодат қилиш, соф инсоний табиат, соғлом ақл ва мантиқ тақозо этадиган нарсадир. Чунки ибодат аслида инсоннинг Аллоҳ берган неъматларини сезишидан ва ўзига кўрингану кўринмаган неъматларни берган Парвардигорига шукронасидан иборатдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассиз. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (Наҳл сураси, 18-оят).

Инсон ўзининг соф табиати ва виждони ила неъмат берувчидан рози бўлади ва Унга ҳамду сано айтади, яхшилик қилувчини улуғлайди ва Унга шукр айтади. Буни ваҳий вожиб қилмаса ҳам, дин фарз қилмаса ҳам, ўз-ўзидан шундай бўлади.

Агар на Аллоҳга, на Унинг Расулига ва на Китобига иймони йўқ худосизга назар соладиган бўлсак ҳам, унинг ўзига бир нарса тақдим қилганга ёки яхшилик қилганга эгилишини, ташаккур (албатта, ўз тилида) айтишини кўрамиз. У бу ишни, яъни бир нарса берганга ёки яхшилик қилганга қўлидан келганича яхши сўз биланми ёки иш биланми, яхшилик қайтаришни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Неъматни ҳис этиш, яхшиликни тақдирлаш ва эҳсоннинг эътирофи каби хислатлар ҳайвондан ақли билан ажралиб турадиган одамдагина эмас, балки барча ҳайвонлар ва қушлар, ҳаттоки уларнинг ваҳшийларида ҳам бор. Буни биз ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз. Йиртқич ҳайвон ўз ўргатувчисининг лутфи, марҳамати ва яхшилигига ўзига хос услуб, ҳис-туйғу билан жавоб беради. Буни ҳар ким осонлик билан фаҳмлаб олиши мумкин.

Ҳатто қутурган ит ҳам ўз эгасига эҳтиром, вафодорлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатади. Воқеъликда бунинг мисоллари, қиссалари жуда кўпки, уларни гапириб ўтиришга вақт етмайди. Ким улар билан танишмоқчи бўлса, шайх Камолиддин Думарийнинг «Ҳаётул ҳайвонул-кубро» номли китобига мурожаат қилсин.

Тарихдан маълумки, инсон пайғамбар ва набийлар юборилишидан олдин, дунё пайғамбарсиз қолган пайтларда ҳам ўзи (хато йўл билан бўлса-да) худо деб эътиқод қилган нарсага ибодат қилар, унга бўйин эгар, рукуъ ва сажда қилар эди. Охири бориб, ҳақ йўлни, ҳидоятни топиб, Аллоҳга ибодат қилгунича шу йўсинда давом этарди. Бу эса ваҳий ва пайғамбарларни юбориш орқали юзага чиққан.

Мазкур ҳолатнинг ўзиёқ Аллоҳга ибодат қилиш соф фитрат, виждон ва соғлом ақл ҳамда мантиқ тақозоси эканини англашда онгли одам учун кифоя қилади. Бунинг устига, ибодат ўзининг турли навлари билан одамлар ва жамият одоб-ахлоқига сезиларли таъсир ўтказади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда «**Сенга Китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўқис адо эт, албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни билур**», дейди (Анкабут сураси, 45-оят).

Islom.uz портали таҳририяти